INV. №
181200

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 30 ноябр пайшанба

Сотувда эркин нархда

№ 241 (2538)



## «Турон»нинг бунёдкорлик ишлари

*Республикамиз пойтахти кун сайин кўркамлашиб, обод бўлиб бораяпти. Бунда «Турон» фирмаси бунёдкорларининг ҳам муносиб улуши бор. Ўтган йиллар мобайнида улар «Туркистон» саройи, Темурийлар давлат музейи ва бошқа кўплаб иншоотларни барпо этишда фаол қатнашишган эди. Айни кунларда эса «Турон» фирмаси жамоаси Абай кўчасида Мухтор Ашрафий номидаги давлат консерваториясининг тўрт қаватли янги биносини қурмоқда. Бу бино мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллиги байрами арафасида фойдаланишга топширилади.*



Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

**СУРАТЛАРДА: пайвандчи Бўстонбек Раҳмонов ишда ҳамкасбларига ўрнак бўляпти; бригада бошлиғи Алламурод Изимбетов (ўртада), монтажчи Равшан Баротов ва пайвандчи Аҳмаджон Аъзамов лойиҳа билан танишмоқдалар.**

## АССОССИЗ ШОВ-ШУВЛАРДАН КИМ МАНФААТДОР?

Сир эмаски, сўнгги вақтларда турли халқаро анжуманларда Ўрта Осиё ва Қозоғистон жойлашган минтақадаги хавфсизлик масаласи тобора кўп тилга олинмоқда. Бу асоссиз эмас, албатта. Минтақамизга хавф солаётган халқаро террорчилик, диний айирмачилик, наркобизнес жаҳон миқёсидаги муаммолар сирасига киради. Лекин хориждаги айрим оммавий ахборот воситаларида бу мавзуга, кўпроқ шов-шув кўтариш, одамлар кўнглига ғулғула солиш мақсадида керагидан ортиқ эътибор берилиб, ҳақиқатдан йироқ хабарлар пайдо бўляпти.

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик кенгаши котиби М.Раҳмонқулов, ташқи ишлар вазири А.Комилов ва Президентнинг матбуот котиби Р.Жумаев иштирокида ўтказилган матбуот анжумани маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларини минтақамизда юзага келган вазият билан яқиндан таништириш ҳамда бундай уйдирмаларнинг олдини олиб, жамоатчиликка тўғри ахборот етказиш масалаларига бағишланди.

Таъкидланганидек, айрим хорижий мамлакатлардаги юқори мартабали ҳарбийлар, сиёсатчилар тилидан минтақамиз "катта хавф" остида тургани бот-бот таъкидланмоқда. Улар "аниқ" рақамлару далилларни келтиришдан ҳам тоймаётир. Беш минг ёки ўн минг кишилик жангарилар гуруҳи ҳар дақиқада "МДҲнинг жанубий сарҳадларига ҳужум қилишга шай" тургани, кенг кўламли даҳшатли уруш узоқ эмаслиги, минтақамизда аллақандай ижтимоий фалокат юзага келаётгани ҳақидаги хабарлар пайдо бўлаётгани — бор гап. Бу гаплар ортида жаҳон ҳамжамияти назарида Ўрта Осиё ва Қозоғистонни оловли бўлмаса-да, ҳар ҳолда қайноқ нуқтага айлантириш истаги ётгани аён. Мақсад эса, Президент Ислом Каримов кўп бор таъкидлаганидек, бу заминга кириб келаётган сармояни қайтариш, одамларда ҳукуматга, келажакка ишончни сусайтиришдан ўзга эмас. Турли шов-шувлар, айниқса, МДҲ ё бирор бошқа тузилма доирасида минтақавий тезкор ҳаракат кучлари, аксилтеррор маркази кабиларни тузиш масаласи кўтарилганда авж олиши ҳам юқоридаги фикрни тасдиқлайди.

Атайин қилинаётган бу шов-шувларда ўзини "Ўзбекистон ислом ҳаракати" деб атовчи жиноятчи тўда ҳам тилга олинаётгани кишини ўйлантиради. Бир неча ой олдин АҚШ Давлат департаменти бу тўдани энг хавфли террорчи гуруҳлар рўйхатига киритган эди. Бу ҳаракат номининг такрорланавериши эса айрим ғаразгўй доираларнинг уни ўзига хос тарзда "қонунийлаштириш"га уринаётганини кўрсатади. Аслида ғаламис ва жиноятчилардан ташкил топган, аниқ мақсади, муайян ғояси бўлмаган тўда расман мухолифат номини олиши минтақамиздаги демократик ўзгаришлар, иқтисодий янгиланишларни кўра олмаётган кучлар манфаатигагина мосдир.

Анжуманда М.Раҳмонқулов хориждаги айрим оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган бир уйдирмага алоҳида тўхталди. Маълумки, яқинда Ямандаги Аден бандаргоҳида АҚШ ҳарбий-денгиз кучларига қарашли "Коул" кемаси портлатилган ва 17 нафар денгизчи ҳалок бўлган эди. Оқ уй бу жиноятда халқаро террорчи Усама бин Лодиннинг қўли бор, деб тахмин қилмоқда. Шу боис унинг Афғонистондаги қароргоҳларини бомбардимон қилмоқчи. Бу эса минтақамиз мамлакатлари ҳаво кенгликларидан фойдаланиш масаласини кўндаланг қўйди. Кўриниб турибдики, булар ҳаммаси — ҳозирча режа. Аввал, табиийки, минтақа мамлакатларининг розилигини олиш керак. Бор гап шу. Лекин хориждаги айрим нашрлар масъулиятсиз равишда гўёки минтақамиз давлатлари АҚШга розилик бергани ҳақида хабар эълон қилди ва унинг оқибатларини шарҳлай кетди. Ваҳоланки, ҳали ҳеч қандай маслаҳатлашув ҳам бўлгани йўқ. Шу муносабат билан, Миллий хавфсизлик кенгаши котиби Ўзбекистон шу вақтгача бирор мамлакат ҳарбийларига бошқа бир давлатга ҳужум қилиши учун ўз ҳудудидан фойдаланишга изн бермаганини ва бундан буён ҳам бермаслигини қатъий таъкидлади. У мамлакатимиз ҳукумати хориж матбуотидаги айрим нотўғри хабарларни давлатлараро муносабатлар, хусусан, Ўзбекистон-АҚШ муносабатларига раҳна солиш мақсадида уюштирилган фитна, деб билишини ҳам алоҳида қайд этди.

Тадбирда журналистларни қизиқтирган бошқа мавзулардаги саволларга ҳам батафсил жавоб қайтарилди.

**(ЎзА).**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*

*ҚАРОРИ*

## Муборак ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақида

***Мамлакатимиз фуқароларининг виждон эркинлиги борасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, муборак ҳаж амалларини адо этишда қулайлик, имтиёз ва зарур шароитларни яратишга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:***

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2001 йилда ҳаж зиёратини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Муборак ҳаж сафарини ташкил қилиш, зиёратчилар рўйхатини республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармаларининг жойлардаги бўлинмалари вакиллари иштирокида кенг жамоатчилик фикрини эътиборга олган ҳолда тузиш, мусулмонларнинг талаб-эҳтиёжларини адолатли равишда қондириш масъулияти Ўзбекистон мусулмонлари идораси раҳбарияти, унинг жойлардаги мутасадди вакиллари зиммасида эканлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита уларга ёрдам кўрсатиши эътиборга олинсин.

3. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси (А. Рўзметов) 2001 йил феврал-март ойларида зиёратчиларнинг Ҳаж сафарига бориб-келишлари учун қулай шароитлар яратиш, Тошкент-Жидда-Тошкент йўналишидаги авиачипталарнинг нархини арзонлаштириш чораларини кўрсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (З. Алматов), Ташқи ишлар вазирлиги (А. Комилов), Давлат божхона қўмитаси (С. Арипов) Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг тақдимига кўра зиёратчиларнинг сафар ҳужжатларини белгиланган тартибда расмийлаштиришни таъминласинлар.

**(Давоми 2-бетда).**

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу

Қутлуғ Рамазон ойи кириб келиши муносабати билан Саудия Арабистони Подшоҳлиги халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номимдан Сиз,Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат тилаб, самимий табрикларим ва биродарона истакларимни йўллашдан мамнунман.

Қодир Аллоҳдан Сизга хайр-баракот, бахт-саодат, дўст халқингиз ва мусулмон умматимиз халқларига эса зафар, шон-шуҳратлар ато этишини сўраб қоламан.

Самимий эҳтиром ва
холис тилаклар ила,
Биродарингиз
Икки муқаддас масжид ходими

**Фаҳд бин Абдулазиз ас-САУД,**
**Саудия Арабистони Подшоҳи.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу

Муборак Рамазон ойи кириб келиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат тилаб, самимий табрикларим ва эзгу тилакларимни йўллашдан мамнунман.

Буюк ва Қодир Аллоҳдан ушбу муборак ойда барчамизнинг рўзамизни қабул қилиб, халқингиз ва мусулмон умматининг барча халқларига фаровонлик ва буюк зафарлар ато этишини сўрайман.

Сиз Жаноби Олийларига самимий
ҳурмат ва эзгу тилаклар ила,
Биродарингиз

**Абдуллоҳ бин Абдулазиз ас-САУД, Валийаҳд,**
**Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари,**
**Миллий гвардия бошлиғи.**

## Уруғ — ҳосилнинг онаси

Долзарб вазифа

**Ҳосил КАРИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Мамлакатимиз пахта етиштириш бўйича дунёда бешинчи, тола экспорти бўйича эса иккинчи ўринда туради. Жаҳондаги ривожланган давлатларнинг кўпчилиги Ўзбекистон толасини ишлатаётганлиги ҳам пахтамиз сифати ошиб бораётганлигининг яна бир исботидир. Хусусан, Германия тўқимачилик саноати фойдаланаётган пахта толасининг 42 фоизи мамлакатимизда етиштирилган.

Республикамиз қишлоқ хўжалигининг асосий соҳаси бўлган пахтачиликда кейинги йилларда бир қатор муаммолар тўпланиб қолди. Шулардан бири ғўза селекцияси, уруғчилиги ва навларни жойлаштириш масаласидир. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин бу жабҳага алоҳида эътибор берилиб, олимлар олдига эртапишар, тола чиқиши юқори ва толасининг сифати дунё бозори талабларига жавоб берадиган навларни яратиш ҳамда уни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш масаласи қўйилди. Ўзбекистон Республикасининг «Уруғчилик тўғрисида» ва «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги қонунларининг қабул қилиниши соҳада ҳуқуқий асосларни яратиб берди.

Вазирлар Маҳкамасининг селекция ва уруғчилик ишларини такомиллаштириш, республикамизнинг турли тупроқ, иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда навларни жойлаштириш бўйича кейинги йилларда бир қатор қарорлари қабул қилинди. Уларда янги ғўза навларини яратиш, селекционер, уруғчилик билан шуғулланувчи олимлар ва элита ҳамда уруғчилик хўжаликларини моддий рағбатлантириш, умуман бу борадаги ишни дунё андозалари даражасига кўтариш вазифаси белгилаб берилди. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузурида мустақил юридик мақомга эга бўлган республика пахта уруғчилиги бошқармаси ташкил қилинди.

Амалга оширилган ишлар ўз самарасини бераяпти. Кейинги икки йилда уруғлик чигит сифатининг яхшиланишига эришилди. Экишда фойдаланиладиган чигитнинг қарийб 93-94 фоизи 1-классни ташкил қилиб, 3-класли уруғликларни экишга умуман йўл қўйилмади. Натижада жорий йилда эртапишар навлар майдони 305 минг гектар кўпайди. Кечпишар навлар 18 минг гектарга камайтирилди. 19 хўжалик негизида элита уруғчилик хўжаликлари ташкил қилиниб, уларнинг сони 87 тага етказилди.

Лекин бу борада мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Баъзи вилоят ва туманларда ҳукумат қарори қўпол равишда бузилмоқда. Масалан, Пахтаобод, Жалолқудуқ, Қамаши, Пахтачи, Бешариқ, Қува, Оққўрғон, Шовот, Янгиариқ, Поп туманларида икки нав ўрнига майдонларга учта нав жойлаштирилган. Ҳатто ғўза уруғчилиги билан шуғулланувчи Пахтачи туманидаги Ш. Қаҳҳоров номли хўжаликда икки нав экилишига йўл қўйилган. Ҳолбуки, бу иш ниҳоятда нозик бўлиб, пахтачиликнинг тақдирини ҳал қилади.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 4 мартдаги 79-қарорига кўра «Фарғона-3» навини экиш майдонлари кескин камайтирилди. Лекин, Фарғона водийси, Тошкент, Самарқанд вилоятларида ушбу нав белгиланганидан 74 минг гектар кўп майдонга экилган. Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва «Ўзпахтасаноатсотиш» уюшмасининг маълумотларига кўра, ушбу нав хомашёсидан олинадиган толага дунё бозорида харидор кам.

Шу билан бирга «Қарши-8», «Хоразм-126», «С-6532», «Гулбаҳор» навлари яратилганлигига бир неча йил бўлган, мутахассислар томонидан яхши баҳо олганлигига қарамасдан белгиланган майдонларга экилмаяпти. «Чимбой—4104», «Термиз-24» навлари эса давлат реестридан ўтганидан бери бирор гектар ерга экилмади.

Пахтакорларга эртапишар, серҳосил, толаси пишиқ ва жаҳон андозаларига жавоб берадиган, касалликларга чидамли навлар керак. Шу боис, селекционер олимларимиз навлар сонини кўпайтиришга зўр бермасдан, яратилган навларнинг сифатига ва барча технологик талабларга тўлиқ жавоб беришини ёки янги навларнинг экилаётганларидан афзаллигини таъминласалар мақсадга мувофиқ бўларди.

Шу билан бирга республикамизда экилаётган 20 дан ортиқ ғўза навларининг баъзиларида уруғлик сифатини белгиловчи асосий кўрсатгич бўлган нав тозалиги давлат андозалари талабидан паст. Улар жумласига «Оқдарё-5», «Оқдарё-6», «Оққўрғон-2», «Армуғон», «С-4727», «Юлдуз» ва «Наманган» каби навлар киради.

Деҳқончиликда «Сара уруғ — ҳосил бўлиқ», деган ажойиб нақл бор. Шу боис, деҳқонларимизга янги, истиқболли, эртапишар, тола чиқиши юқори ва сифати саноат талабларига жавоб берадиган навлар керак. Кеча Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида юқорида қайд этилган масалалар юзасидан кенгайтирилган йиғилиш бўлди. Унда селекционер олимлар, жойлардан таклиф этилган хўжалик ва туман, муҳокама қилинаётган масалага тааллуқли агросаноат мажмуига кирувчи вазирлик, уюшма, корпорация, идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари қатнашдилар.

Мажлисни Бош вазир ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Т. Холтоев олиб борди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, И. Жўрабеков қатнашдилар. Шунингдек, йиғилишда қишлоқ хўжалигида амалга оширилиши лозим бўлган долзарб масалалар ҳақида ҳам гаплашиб олинди.

**●Олий Мажлиснинг IV сессияси олдидан**

***Ёшлар — юрт келажаги. Балки, Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ учинчи сессиясида Ёшлар ишлари қўмитасининг ташкил этилиши ҳам, юртимизда келажагимиз ворислари — ёшларга бўлган юксак эътибор натижасидир. Мухбиримизнинг Олий Мажлиснинг Ёшлар ишлари қўмитаси раиси Азамат ЗИЁ билан суҳбати қўмитанинг ташкил этилиши зарурати, икки сессия оралиғидаги фаолияти, қонунларни ҳаётга татбиқ этишда ёшларнинг ўрни, хусусан, ёшлар ҳақида бўлди.***

## Интилиш, изланиш ва ташаббус

**— Қўмитанинг икки сессия оралиғидаги фаолияти сизни қониқтирадими?**

— Фаолиятини бошлаганига эндигина уч ой бўлган қўмита учун ушбу саволга қатъий тарзда ҳа ё йўқ, деб жавоб бериш тўғри келмаса керак. Шунинг учун, келинг, қўмитамиз фаолиятини қандай ташкил этаётганимиз ҳақида суҳбатлашсак. Мен бу борада учта асосий йўналишга эътиборни қаратган бўлардим.

Биринчи йўналиш тўғридан-тўғри қонунчилик фаолияти билан боғлиқ. Иккинчиси, мавжуд қонунларнинг ижро этилишини назорат ва таҳлил қилишни қамраб олса, учинчи йўналиш ёшлар фаолияти доирасидаги амалий тадбирлар, лойиҳаларни рўёбга чиқаришни кўзлайди.

**— Фикримча, масалага ойдинлик киргандай бўлди. Ёшлар ва қонунчилик йўналишида қўмита қандай режаларга эга, ёшларга оид бирон-бир лойиҳа тўғрисида бугун мулоҳаза юритиш имкони борми?**

— Бор. Мен бу ерда 1991 йилнинг ноябрида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисида» Қонуннинг янги таҳрири устида олиб борилаётган ишларни назарда тутмоқдаман. Шу ўринда бир фикрни алоҳида таъкидламоқчиман. Диққат қилган бўлсангиз, мазкур қонун Мустақиллик эълон қилингандан икки ой ўтмасданоқ қабул қилинган. Бошқача айтганда, бу ҳужжат мустақил давлатчилигимиздаги илк қонунлардан бўлиб ҳисобланиш билан бирга давлатимизнинг ёшларга эътибори биринчи кунларданоқ устувор аҳамиятга эга бўлганини кўрсатади. Шу билан бирга орадан тўққиз йил ўтди. Ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда, иқтисодий тараққиётимизда, кишиларимизнинг, айниқса, ёшларимизнинг дунёқараши, юриш-туришида қатор ўзгаришлар рўй берди, ўнлаб қонунлар дунёга келди, қонунчилик соҳасида муайян тажриба тўпланди, янги мутахассислар шаклланмоқда. Бундан ташқари янги асрга қадам қўйишимизга саноқли кунлар қолди. Бу асрдан инсониятнинг умидлари катта. Ташвишлари ҳам йўқ эмас. Очиқ, демократик жамият барпо этиш йўлидан борар эканмиз, ташқи дунё билан алоқаларимиз бундан буён янада кенгайиб ранг-баранглашиб бораверади. Ё нотўғрими?

**— Тўғри, албатта.**

— Демак, шундай шароитда ўтмиш тажриба, бугунги талаблар ва келажакда туғиладиган вазиятлар, шароитларни инобатга олган ҳолда ёшларга оид қонуннинг янги таҳрири устида иш бошладик.

**— Демак, қонун лойиҳасини келаётган сессияга тақдим этиш имкони йўқ, шундайми?**

— Шундай. Чунки бу масалада шошма-шошарликка йўл қўйиб бўлмайди. Янги таҳрирдаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳи тузилди, унинг биринчи варианти тайёрланиб, тегишли давлат ва нодавлат ташкилотларининг мутахассислари иштирокида бирламчи муҳокамадан ўтказилиб, асосий тамойиллар, йўналишлар, вазифа ва мақсадлар борасида келишиб олинди. Ишчи гуруҳи қанча керак бўлса, шунча марта йиғилиб лойиҳани пишиқлаштириб, реаллаштириб боради ва тегишли тартибда давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳукмига, сўнгра депутатлар тасдиғига ҳавола этилади.

**(Давоми 2-бетда).**

**●Етилган муаммо**

## Ўзбекистонда нечта газета бор?

Газетасиз ҳаётимизни тасаввур этишимиз қийин. У бизни атрофимизда содир бўлаётган янгиликлардан воқиф этибгина қолмай, айни пайтда эзгуликка етаклайди, онгимизни чархлайди. У яқин сирдошимиз, маслаҳатгўйимиз. Шу сабабли ҳам унинг ҳар бир янги сонини орзиқиб кутамиз. Халқимиз эса бу соҳада ишлаётган касб вакилларини ўзгача меҳр, муҳаббат билан ҳурмат қилади.

Ўзбекистонда 700 дан ортиқ оммавий ахборот воситалари мавжуд. Шундан 650 га яқини газета ва журнал. Аммо уларнинг барчаси ҳам муштарийнинг айни кўнглидагини топиб, унинг ахборотларга бўлган чанқоғини қондира олаяптими? Баъзан матбуот тарқатиш дўконларида сарғайиб, чанг босиб, гўё назардан четда қолган айрим газета ва журналларни кўрганингда, кўнглинг ғаш тортади.

Республика миқёсидаги нуфузли ташкилотлардан бирининг раҳбари ҳар куни оладиган ўндан зиёд газета ва журналларни ўн дақиқадаёқ кўриб бўлишини, сабаби уларнинг кўпчилиги бир-бирини такрорлашини, баъзан кишини ўзига тортадиган бирорта ҳам мақола учратмаслигини афсусланиб айтган эди.

Нега шундай? Матбуотга дахлдор қонунлар қабул қилинганига, эркинликлар, имкониятлар, шарт-шароитлар яратилишига қарамасдан кўпгина газета ва журналларнинг адади камайиб, нуфузи ҳам шунга яраша бўлиб қолаётганлигининг сабаби нимада?

Оммавий ахборот воситалари «тўртинчи ҳокимият» деган таърифга муносиб бўлиши учун ҳуқуқий замин яратилган. Мамлакатимиз раҳбари қалам аҳлига катта эътибор бермоқда, ғамхўрлик қилмоқда, ҳурматини жойига қўймоқда. Шундай бўлса-да, нима учун кўп нашрларимиз ўқишли, жанговар эмас? Бу гапни кўпдан буён айтамиз. Бироқ, ўзгаришлар унча сезилмаётир.

**(Давоми 2-бетда).**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*

*ҚАРОРИ*

# Муборак ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақида

(Давоми. Боши 1-бетда).

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ф. Назиров) Саудия Арабистони Ҳаж ишлари вазирлиги томонидан қўйилган тиббий талаблар ва мамлакатнинг иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда зиёратчиларни кўрикдан ўтказишни, ҳаж даврида уларга ёрдам кўрсатишни ташкил этсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (З. Алматов) ва Миллий хавфсизлик хизмати (Р. Иноятов) Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ноқонуний йўллар билан ҳаж зиёратига бориши оқибатида рўй бериши мумкин бўлган кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олиш ҳамда зиёратчиларнинг умумий хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини белгиласинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки (З. Мирхўжаев) Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасдиқлаган рўйхатга биноан, мамлакатимиздан ҳажга кетаётган ҳар бир фуқаро учун 1500 (бир ярим минг) АҚШ долларини имтиёзли — воситачилик ҳақи олмаган ҳолда алмаштириб беришни таъминласин.

Зиёратчиларнинг тегишли миқдордаги сўмларини жойларда умумлаштирилган ҳолда йиғиб олиш ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг тегишли бўлимларига топшириш Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг масъул ходимлари зиммасига юклансин.

Бу маблағлар Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Миллий банкдаги махсус ҳисоб рақамига жамланиб, белгиланган миқдори конвертация қилинсин. Конвертация қилиш чоғида улар воситачилик йиғимларидан ҳамда маҳаллий солиқлардан озод этилсин.

8. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон мусулмонлари идораси барча зарур тўловларни Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг чет эл банкларидаги корреспондент ҳисоблари орқали пул ўтказиш йўли билан амалга оширади.

9. Ўзбекистон Республикаси пул-кредит сиёсати комиссияси (Ф. Муллажонов) ҳажга борувчи фуқаролар ва ҳожиларга хизмат кўрсатувчи ишчи гуруҳининг сафар харажатлари учун валютани республика биржаси орқали Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига имтиёзли равишда — воситачилик ҳақи ҳамда валюта сотиш учун ундириладиган тўловларни олмаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий курси бўйича сотишни таъминласин.

10. Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамда оммавий ахборот воситаларига муборак ҳаж зиёратининг моҳияти ва талабларини, уни амалга оширишнинг тартиб-қоидаси, муддати, барча шартларини, унинг якунларини кенг ва ошкора ёритиб бориш тавсия этилсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ. Кароматов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
29 ноябр 2000 йил.



*Термиз механика таъмирлаш ҳиссадорлик жамиятида авваллари фақат оғир А-01 маркали Олтой тракторлари таъмирланар эди. Кейинги йилларда бу жараён кенгайтирилди. Айни пайтда жамиятда Россиядан келтириладиган эҳтиёт қисмлари тайёрлайдиган қуйиш цехи ташкил этилди. Мазкур цехда Олтой тракторлари учун зарур эҳтиёт қисмлари тайёрланмоқда.*

*Шу йилнинг май ойидан бошлаб заводда мутахассислар томонидан янги ихтиро қилинган чиқинди ташиш техникаси ҳам ишлаб чиқарила бошлади. Ҳозиргача шиннг 21 таси харидорларга етказиб берилди.*

**СУРАТДА: таъмирлаш цехи ишчилари Рустам Шоймардонов ва Нурхон Тоғаевлар иш устида.**

**Искандар ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.**

**●Олий Мажлиснинг IV сессияси олдидан**

# Интилиш, изланиш ва ташаббус

(Давоми. Боши 1-бетда).

**— Лойиҳани реаллаштириш ҳақида сўз очдингиз...**

— Реал қонун деганда, мен шуни тушунаманки, биринчидан, тилга олинганидек, ўтган йилларда қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларида ёшларга оид кўплаб моддалар, бўлимлар, ҳатто алоҳида қонунлар бор. Масалан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, «Таълим тўғрисида»ги Қонунни олайлик. Уларнинг ҳар иккови ҳам тўғридан тўғри ёшлар ва таълим масаласига бағишланган. Янги таҳрирдаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқаётганда биз уларни инобатга олишимиз, қайтаришларга йўл қўймаслигимиз керак. Шу билан бирга мазкур икки ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган йилдан ўтган вақтда қандайдир янги тажриба, таклифлар пайдо бўлган бўлса, уларни бу қонунга киритишимиз керак. Иккинчидан, ҳар қандай қонуннинг шартли равишда икки томони бўлади. Бир томондан фуқаролар, давлат ва нодавлат ташкилотларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, ваколатлари, иккинчи томондан яна ўша фуқаролар, давлат ва нодавлат ташкилотларнинг мажбуриятлари, бурчлари. Демак, биз шунга ҳаракат қилишимиз керакки, то бир томон ўз ҳақ-ҳуқуқини амалга оширишга отланганда иккинчи томон уларни қондириш учун реал имконга эга бўлсин. Шу билан бирга келгуси тараққиёт учун очиладиган ҳуқуқий йўлни тўсиб қўймасин. Буни қонунда тўлиқ акс эттириш мушкул, лекин барибир лойиҳа устида ишлаётганда шу омилни назарда тутишга келишиб олдик. Яна бир фикр. Ёшларга оид қонунчилик деганда, омма орасида нимагадир асосан ёшларга бериладиган имтиёзлар, енгилликлар тушунилади. Биз буни инкор этмоқчи эмасмиз. Ёшларга кўмак, имтиёз бериш, қўллаб-қувватлаш — буларнинг бари реал шароитдан келиб чиқиб қонунчиликда ўз аксини топиши керак ва топаяпти ҳам. Биргина тилга олинган, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг ўзида ёшларга нисбатан ғамхўрлик, имтиёзлар, ёрдамларнинг қанчаси мужассамлашганини кўриш мумкин. Ҳар йили давлат бюджетидан яна шу таълим тизимига сарфланаётган миллиард-миллиард маблағлар-чи?! Хуллас, Ўзбекистон ёшларига ғамхўрлик борасида ҳам қонуний, ҳам амалий томондан бугунги шароитда қилиниши мумкин бўлган барча ишлар йўлга қўйилганини нафақат ўзимиз, балки иқтисодиёти юксак ривож топган давлатлар ҳам тан бермоқда. Лекин мен бошқа бир жиҳатга диққатни қаратмоқчи эдим ва биз буни сўз кетаётган қонуннинг янги таҳририда инобатга олишга ҳаракат қиламиз. Яъни ёшларнинг тайёр шарт-шароитга эгалик қилиш, шунга интилиш, боқимандалик, ишёқмаслик, дангасалик каби кайфиятларга берилишларига йўл қўймаслик, сабабчи бўлиб қолмаслик, шароит яратмаслик. Аксинча ёшларимизни ташаббускорлик, ишбилармонлик, ҳаракатчанлик, интилиш, изланиш, ўз имкониятларини намоён этиш, ўзини синаб кўриш, қийинчиликларни мардона, илм-маърифат, касб-ҳунар билан қуролланиб енгиб ўтиш тамойиллари асосида тарбиялаш, етилтириш учун қонунчилик имкониятларидан фойдаланиш.

**— Қўмитанинг иккинчи йўналишдаги ишларига тўхталиб ўтсангиз.**

— Ҳозирга қадар ҳарбий хизматга бораётган ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш ишларини ташкил этиш, «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги қонуннинг бажарилиши билан боғлиқ назорат-таҳлил тадбирлари амалга оширилди ва Мудофаа ва хавфсизлик масалалари, Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмиталари ҳамда Оила ва аёллар муаммолари комиссияси билан биргаликда тегишли ташкилотлар иштирокида муҳокамалар ҳам бўлиб ўтди. Айни кунларда Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари, Мудофаа ва хавфсизлик масалалари, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмиталари билан биргаликда ҳамда тегишли мутахассисларни жалб этган ҳолда вояга етмаган шахслар ўртасидаги жиноятчиликка қарши курашга қаратилган қонунларнинг ижро этилиши, ички ишлар вазирлиги ўқув юртларида офицер кадрлар тайёрлашнинг аҳволи ва Халқ таълими, Олий ва ўрта-махсус таълим вазирликларида кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг бажарилиши каби масалалар назорат-таҳлил нуқтаи назарларидан ўрганиб чиқилди, маълум вақтдан сўнг улар бўйича тегишли муҳокамалар ташкил этилади, хулоса, тавсиялар ишлаб чиқилади. Шу билан бирга алоҳида таъкидлашни истардимки, мавжуд қонунлар, Олий Мажлис қарорларининг ижросини назорат-таҳлил этишда кўпроқ эътиборни таҳлилга қаратиш мақсадга мувофиқдир. Қонунларнинг ижро этилиши ёки ижро этилмаётганлигида қайси омиллар объектив ва субъектив рол ўйнамоқда. Мазкур омилларни аниқ ва холис билсак ҳам амалиётдаги қонунчиликни такомиллаштириб бориш, ҳам янги қонунларни реаллаштириш имконига эга бўламиз. Бундан ташқари, бирон масалани таҳлил қилиб хулоса чиқаришда фақат биргина (яъни назорат-таҳлил учун ўзимиз танлаб олган) қонун ё қарор нуқтаи назари, доирасидангина келиб чиқмаслигимиз керак. Масалан, юқорида айтилганидек, ҳарбий хизматга бораётган ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш ишларини ташкил этиш масаласини ўргандик ва муҳокама қилдик. 16-18 ёшдаги ўсмирлар орасида олиб борилаётган маънавий-ахлоқий, соғлиқни сақлаш билан боғлиқ тадбирлар юзасидан қатор рақамлар, муаммолар, камчиликлар келтирилди, асосли танқидлар бўлди. Лекин бир мантиқли савол туғилади: ўғил болаларни ҳарбий-ватанпарварлик, миллатпарварлик, юксак ахлоқ даражасида, соғ-саломат, бақувват қилиб тарбиялаш ишини у ҳали ҳомила бўлиб шаклланаётган даврдан бошлаб, дунёга келгач оиладаги муҳитда, боғча, мактабга борганда шу муассасаларда муттасил ва узвий боғлиқликда давом эттиришимиз керак эмасми? Ватан нима, миллат нималигини англамайдиган ота-онадан қандай фарзанд туғилади, киндик қони тўкилган юртни ардоқлаш, керак бўлса жонини тикиб ҳимоя қилиш, юрт равнақи учун хизмат қилиш, бунинг учун илм-маърифат, касб-ҳунар эгаси бўлиш лозимлиги тўғрисида ҳар куни сўз кетмайдиган оиладан қандай фарзанд униб чиқади? Ота-она фарзандининг соғлиғини ўйламаса, ўзи намуна бўлиб уни бирон бир спорт тури билан шуғуллантирмасдан умрини, топганини чойхонага, турли ким ўзар тадбирларга сарфласа 18 ёшга тўлган соғлиғи заиф йигитчага давлат томонидан берилган ёрдам, ғамхўрликнинг таъсири тўла бўлармикан?

**— Узр, сўзингизни бўламан, бу билан «Олимпиада умидлари — 2001» спорт мусобақаларини ўтказишдан мақсад ҳам айнан шу масалага қаратилган демоқчимисиз?**

— Худди шундай. Қўмитамиз фаолиятидаги учинчи йўналиш ёшлар орасида маънавий-маърифий, маданий, мусиқий ва спорт билан боғлиқ тадбирларни ташкил этиш билан боғлиқ. Бунда биз ёшлар билан ишлашни мақсад қилиб қўйган барча давлат ва нодавлат ташкилотлар имкониятларини аниқ мақсадлар йўлида сафарбар этишни мўлжал қилганмиз. Сиз тилга олган тадбир шулардан биридир. Мўлжалда яна бир қатор тадбирларимиз бор.

**— Ёшлар ишлари қўмитаси ўз фаолиятида қайси тамойилларга суяниши керак, деб ўйлайсиз?**

— Президентимизнинг жон куйдириб доимо таъкидлайдиган бир даъватлари бор: интилиш, изланиш, ташаббус. Жуда чуқур маъно ва истиқболга эга мазкур ҳикматни доим ёдда тутган ҳолда фаолият кўрсатишимиз ва ёшлар орасида уни тарғиб этиш ва амалий ишлар қилиш биз учун ҳам фарз, ҳам қарз.

**«Халқ сўзи» мухбири Мавжуда ТОЖИБОЙ қизи суҳбатлашди.**

# Ўзбекистонда нечта газета бор?

> Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар.
>
> **Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 67-модда.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Яқинда бир вилоят матбуот бошқармасига янги ташкил этилган хусусий фирма раҳбари келиб, газета чиқармоқчи эканлигини айтибди. У нашрни давлат рўйхатидан ўтказиш учун қонунда белгиланган ҳужжатларни беками-кўст тайёрлагани, фикрлари тўлиб-тошиб турганлигини таъкидлабди. Таассуфки, фирма ажраттан маблағ газетанинг битта сонини чиқаришга аранг етарди. Албатта, масъул ходимлар унга буни батафсил, ётиғи билан тушунтиришган. Лекин у ишонч билан газета чиқа бошласа, бойиб кетишини айтибди. Афсуски, баъзилар журналистика ва матбаачиликка халққа зиё тарқатиш, маънавият ва маърифатни тарғиб этиш эмас, балки биринчи навбатда мўмай даромад топиш воситаси, тижоратчиликнинг бир тури, гоҳида эса ҳатто лоторея ўйинига ўхшаш машғулот сифатида қарашга ҳам бориб етмоқдалар. Оқибатда айрим муассисларнинг нашри юлдуз кўрмай «жон беряпти».

Халқаро «Наврўз» хайрия жамғармаси бир йил муқаддам ҳафтанома — «Суҳбатдош» газетасини чиқара бошлаган эди. Лекин ўқувчисини топа олмагани, маблағи тугагани учун унинг фаолияти ўтган йили ноябр ойидан тўхтатилди. Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, давлат жисмоний тарбия институти, «Жаҳон ғолиби» спорт якка курашларини ривожлантириш маркази ҳар уч ойда бир марталан чиқадиган «Фан — спортга» журналини орзу қилишган эди. Муштарийлардан бир йиллик обуна учун маблағ ҳам тўпланди. Аммо унинг биттагина сони чиқди, холос. Республика олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг газета ва журналлари ҳам ўз вақтида чиқмаётир.

Газета ва журналлар уч ой давомида муттасил нашр этилмаса, фаолияти тўхтатилиши Вазирлар Маҳкамасининг 160-Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида Оммавий ахборот воситаларини рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги Низом»да алоҳида таъкидланган. «Камолот» жамғармаси, корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги бўйича қўмита, «Ўзбекистон иқтисодиёти ахборотномаси» журнали таҳририяти ҳамда «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ» нашриёт уйи «Раҳбар-менеджер», Ўзбекистон «Халқ бирлиги» ҳаракати Марказий Кенгаши «Бирлик-Единство» газетасини тўрт-беш ойлаб чиқара олмади. Шу сабабли Давлат матбуот қўмитаси юқорида тилга олинган Низомга мувофиқ бу нашрларни рўйхатга олиш ҳақидаги қарорини бекор қилишга мажбур бўлди. Худди шу каби сабабларга кўра йилнинг фақат 6 ойида 20 та газета ва 9 та журналнинг фаолияти тўхтатилди.

Муассислар давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этаётган нашрларнинг Низомига кўз ташласангиз, дастлаб шу газета ёки журнал чиқмайдиган бўлса, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида жуда катта кемтиклик пайдо бўладигандай, муштарий шу нашрнинг тезроқ дунёга келишини сабрсизлик билан кутаётгандай туюлади. Муассис таҳририят билан тузган шартномасида нашрнинг барча муаммоларини сўзсиз ҳал этишга кафолат беради. Лекин амалда бир-иккита сон чиққач, муассис таҳририятни унутиб юборади.

Бош муҳаррир эса не машаққатлар билан дунёга келган нашрни асраб-авайлаш, қандай бўлса-да, уни оёққа турғизишнинг йўлларини излайди. Арзонроқ нархда қоғоз, босмахона харажатларига пул топиш, таҳририятга тетикроқ ходимларни жалб этиш каби муаммолар уммонига ғарқ бўлади. Аро йўлда қолган бундай муҳаррирнинг асосий иш вақти газетани юқори савияда чиқаришга эмас, аксинча, иқтисодий масалаларни ҳал этишга сарф бўлаётир.

Таҳририят ва муассис муносабатлари занжири заифлигининг сабаблари нимада? Нега бош муҳаррир (таҳририят) ўз ҳуқуқларини талаб эта олмайди? Уни ким ҳимоя қилади? Албатта, Қонун! Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистон Республикаси Оммавий ахборот воситаларини рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги Низом»ининг 5-бандида муассис ва таҳририят муносабатлари қандай бўлиши зарурлиги аниқ белгилаб қўйилган. Унга кўра муассис шартномада кўрсатилган бурчини бажармаса, таҳририят муассис билан тузган шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, ушбу бандда «Муассис оммавий ахборот воситасини нашр қилишга кафолат беради. Шу муносабат билан у моддий-техника ёрдамини амалга оширади, зарур бўлиб қолса таҳририятни иқтисодий таъминлаш» зарурлиги ҳам битилган.

Лекин ҳозирча бирорта ҳам муассис Қонуннинг ушбу талабларини бажармагани учун муҳокама этилганини эшитмаганмиз. Демак, тўла маънода айтиш мумкинки, муҳаррирлар янгича шароитларда, бозор иқтисодиёти талаблари даражасида ишлай олишмаяпти. Бизнингча, ўз муаммоларини ўзи ҳал эта олмаётган таҳририятларни ҳозирча Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ҳимоя қилиши керак.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 7 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида қоғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида нашрларнинг асоссиз равишда тиражларини кўпайтириш, газета ва журналларнинг сотилмай қолишига йўл қўймаслик чораларини кўриш зарурлиги ҳам кўрсатиб ўтилган эди. «Матбуот тарқатувчи» акционерлик компаниясидан олинган маълумотларга кўра, республика миқёсида чоп этилаётган нашрларнинг анчагина қисми сотилмасдан дўконларда қолиб кетмоқда. Масалан, шу йилнинг тўрт ойида Тошкентда босиладиган газеталарнинг 223 минг донаси сотилмаган. Биринчи ярим йилликда эса бу рақам салкам 400 мингтани ташкил этди. Ярим йилда «Маҳалла» газетасининг сотувга чиқарилган 9781 нусхасидан 3278 таси, «Республика»нинг 76560 нусхасидан тенг ярмини муштарий олмади. «Частная собственность»нинг 15077 нусхасидан 11653 нусхаси, «Ёзувчи»нинг 9317 нусхасидан 2050 нусхаси, «Нурли жол»нинг 13.444 нусхасидан 3000 нусхаси, «Савдогар»нинг 4320 нусхасидан 1156 нусхаси, «Домашный доктор»нинг 22.338 нусхасидан 8321 нусхаси, «Инсон ва Қонун»нинг 43.326 нусхасидан 4030 нусхаси дўконларда сарғайиб қолди.

Биринчи ярим йилликда сотилмаган газеталар миқдори салкам 400 минг донага етгани боис, тахминан 20 тоннадан зиёд матбаа қоғози беҳудага исроф бўлди. Ачинмай бўладими, ахир катта қийинчиликлар эвазига хориждан валютага харид қилинган шунча қоғоз ўн минг нусхали газетани ҳар ҳафтада икки мартадан, бир йил давомида чиқаришга етган бўлар эди.

Тошкентда чоп этилаётган газеталар ҳақидагина ёзяпман-у, ўзимча ўйлаб қоламан: «Хўш, журналларимизнинг ҳам барчаси сотиляптими? Вилоятларда нашр этилаётган оммавий ахборот воситаларининг аҳволи қандай экан?»

Эътибор берган бўлсангиз, баъзи нуфузли газеталарни варақлаб, у худди юқори ташкилот ва идоралар раҳбарлари учун махсус чиқарилаётгандай тасаввур ҳосил қиласиз. Чунки уларда оддий кишиларга тушунарли мақола ва шарҳлар етишмайди. Қўлимизни кўксимизга қўйиб тан олишимиз керакки, биз журналистларнинг ўзимиз ҳам қўлма-қўл бўлиб ўқиладиган газеталаримизни соғиниб қолдик. Публицистиканинг ахборот, репортаж сингари ҳозиржавоб жанрларини унутиб юборганга ўхшаймиз. Бир пайтлар кенг омма қизиқиб ўқийдиган очерк, фельетон деган жанрлар бўларди. Бундай жанрларда ёзилган материалларнинг савияси, кучу қудрати бадиий асарлардан-да юқори эди. Афсус, улар эндиликда тарих бўлиб қолди. Журналистларимиз кўп ҳолларда енгил-елпи жанрларга ўралашиб қолдилар.

Айтгандай, газетанинг биринчи вазифаси халққа ҳозиржавоблик билан хабарлар етказиш, ҳаётнинг ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий жабҳаларидаги воқеа ва ҳодисаларнинг мағзини чақиб, муштарийга тушунтириш ҳам эди. Ҳар куни мамлакатимизда улуғвор ўзгаришларга пойдевор қўйилмоқда. Ўзбек давлатчилиги тарихида оламшумул аҳамиятга молик Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари қабул қилиняпти, турли давлатларнинг бошлиқлари мамлакатимизга ташриф буюришмоқда. Аммо бу тарихий ҳужжатлару янгиликлар ва ташрифлар моҳиятини қайси нашрлар шарҳлаб бераяпти? Ўзбекистонда оламшумул вазифаларни ҳал этаётган академиклар, профессор олимлар, оташнафас адиблару публицистлар кўп. Аммо улар нега жим? Ёзувчию шоирларимиз, атоқли санъаткорларимиз қачон сокин ижодхоналарини тарк этиб, таҳририятлар йўлланмалари билан оддий меҳнаткашлар ҳузурида бўлади? Уларнинг сабр-бардошли, фидойи кишиларимизнинг ҳаётлари ва меҳнатлари хусусидаги ҳаяжонли ҳикояларини муштарийлар қачон ўқийди?

Сезганмисиз, ҳозир ғалати ҳолат содир бўляпти: ижтимоий-сиёсий йўналишдаги газеталарнинг кўпчилиги бир жойда депсиниб турибди-ю, аммо тижорат ва реклама нашрлари гуркираб ривожланмоқда. Самарқанддаги «Даракчи» юз мингдан зиёд нусхада бутун республикамизни эгаллаб олди. Аслида у арзон эмас: 100 сўм. Шунга қарамай одамлар сотиб оляпти. Россиянинг Ўзбекистонда 40 минг нусхада тарқатилаётган «Аргументы и Факты» ва пайшанба кунги сонлари 76 минг нусхада тарқатилаётган «Труд»ларичи? Улар ҳам арзон эмас. Биз эса нашрларимизнинг адади камайгани, сотилмаётгани ҳақида афсус-надомат чекамиз, қимматлигини баҳона қиламиз. Демак, гап газетанинг арзон ёки қимматлигида эмас, балки унинг ўқишли, жозибадорлигида. Газетачиликда яна бир муаммо пайдо бўлди: ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий йўналишдаги нашрларнинг эртанги тақдири ҳақида жиддий ўйлаб кўрмоғимиз лозим. Биз баъзан унча менсимайдиган реклама-тижорат газеталаридан ҳам нималарнидир ўрганиш мумкин экан.

Республикадаги бир қанча газеталарнинг нусхаси йил сайин камайиб кетяпти. Бир йил муқаддам 40 минг нусхада чоп этилган «Фидокор»нинг ҳозир 4-5 минг нусхада чиқаётгани, «Правда Востока» (10 минг), «Народное слово» (8 минг), «Молодежь Узбекистана» (3 минг),«Бизнес вестник востока» (5 минг), «Маҳалла» (3 минг), «Спорт» (русчаси 2 минг), «Голос Узбекистана» (3 минг) каби газеталарнинг ҳам адади тушиб кетаётгани муассис ва таҳририятлар жамоаларини ташвишга солмаётганмикан?

Қизиқ, аслида инсон қалби ва онгини эгаллаш учун кураш асосий мақсадга айланаётган даврда мафкурамиз полигонларини кучайтириш, кенгайтириш, ривожлантириш ўрнига майдонни индамайгина, қўл ковуштириб, бошқаларга бериб қўядиган замонми ҳозир? Жаҳонни мафкуравий жиҳатдан бўлиб олиш учун тинимсиз ҳаракат олиб борилаётган бундай пайтда фақат кучли заминга таянган миллий мафкурагина жамиятни ана шу тазйиқлардан муҳофаза қила олиши мумкинлигини давлатимиз раҳбари қайта-қайта таъкидлаётир. Шундай экан, биз ҳар доимгидан ҳам матбуотнинг ўткир мафкуравий қурол, халқ манфаатларининг ҳақиқий ҳимоячиси, унинг минбари, эзгулик жарчиси эканлигини исботлашимиз керак.

Ҳозирги кунда газеталаримизни кимлар ўқимоқда? Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, республика газета ва журналларининг асосий қисмини фақат Тошкент шаҳрида, вилоят марказларида ўқишмоқда. Жуда оз қисми туман марказларига етказилмоқда. Қишлоқларга, ўша жойлардаги мактабларга, кутубхоналарга эса газеталар етиб бормаяпти.

Кўпинча матбаа қоғози, истеъдодли журналистлар етишмаётганидан нолисакда, газета ва журналлар тури ой сайин ортмоқда. Нашрлар кўп бўлса, матбуотда фикрлар хилма-хиллигига эришилса яхшику-я. Аммо бирбирига ўхшаш, муаммоларни четлаб ёки силаб-сийпаб ўтадиган, хориж матбуотидан таржима қилинган олди-қочди хабарларга тўла нашрлар қанча кўп бўлмасин, у ўқувчига янги фикр бермайди, демократик, ҳуқуқий жамият қурилишига хизмат қилмайди.

Яна бир мулоҳаза. Сўнгги йилларда республика идоралари, уларнинг вилоятлардаги маҳаллий ташкилотлари ким кўп нашр чиқариш пойгасини бошлаб юборганга ўхшайди. Сабаби эгизак нашрлар сони ортгандан ортмоқда. Самарқанд вилоятида халқ таълими бошқармаси «Маърифат нури» ва «Донишнома», касб-ҳунар бошқармаси «Улуғбек ворислари» газеталарини чиқаради. Ҳатто «Зиёкор» журнали ҳам чоп этилмоқда. Қарши шаҳрининг ўзида вилоят прокуратураси, ички ишлар, халқ таълими, солиқ бошқармалари каби бюджетдан таъминланадиган ўндан зиёд ташкилотларнинг нашрлари алоҳида-алоҳида чоп этилмоқда. Наманган, Андижон, Навоий ва бошқа вилоятлар ташкилотлари ҳам улардан ортда қолаётгани йўқ. «Қани, бизнинг соҳани танқид қилиб кўринглар-чи?», деган оҳангда қараб туришибди. Аксарияти тармоқ ходимларига мажбуран уюштириладиган обуна ҳисобидан кун кўрадиган бундай нашрларнинг кўпчилигида мазкур соҳанинг жиддий муаммолари кўтарилмайди. Аксинча, улар кўпроқ муассисларнинг, идора раҳбарларининг ўзига хос «қалқони», мақтов майдони бўлиб қоляпти, холос.

Наҳотки, маҳаллий ҳокимликларнинг нашрлари бу соҳаларнинг муаммоларини тўла ёрита олмаса. Аксинча кам нусхада чиқаётган бундай «митти» жамоаларнинг ижодий кучлари ва маблағларини жамлаб, вилоят нашрларини мустаҳкамлаган маъқул эмасми?

*Ҳа, фаолиятимизда ютуқлар ҳам, камчилигу муаммолар ҳам етарли. Бироқ, биз матбуотимиз олдида Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт стратегиясини, миллий истиқлол мафкурасининг моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш, энг аввало ёш авлод қалби ва онгига сингдиришдан-да улуғ ва муқаддас вазифа йўқ эканлигини унутмаслигимиз керак. Зеро, ҳозир барчамиз учун баҳоналарни рўкач қилиш, бунинг учун кимларнидир айблаш, сабаблар ахтариш эмас, янгича фикрлаш, юракдан, шижоат билан ишлаш замони келди.*

**Абдуқодир НИЁЗОВ, журналист.**

# ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ

***Ўзбекистон «Офарин» жамғармаси халқимиз ҳаётидаги янгиланиш жараёнларини тараннум этувчи, бадиий ижоднинг азалий моҳияти бўлмиш ҳаёт ҳақиқатини акс эттирувчи ва замондошларимиз тафаккурига истиқлол ғояларини сингдиришга ҳисса қўшувчи наср ва назм намуналари, мусиқа асарлари, экран ва саҳна томошалари, тасвирий санъат дурдоналарини яратаётган республикамиз ижод аҳлини ҳамда қалами ўткир, тили бийрон журналистларни юксак даражадаги ишларга даъват этиш, алоҳида истеъдод соҳибларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2000 йил 1 декабрдан 2001 йил 30 январга қадар «Шу азиз Ватанни, шу меҳнаткаш халқни, шу мусаффо осмону муқаддас тупроқни ҳар қанча улуғласак, ҳар қанча куйласак, оз!» шиори остида қуйидаги йўналишлар бўйича «Офарин» — йилнинг энг яхши ижодкори» республика танловини эълон қилади***

***АДАБИЁТ ВА ЖУРНАЛИСТИКА ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА:***

— Йилнинг энг яхши ёзувчиси;
— Йилнинг энг яхши шоири;
— Йилнинг энг яхши адабий танқидчиси;
— Йилнинг энг яхши болалар ижодкори;
— Йилнинг энг яхши драматурги;
— Йилнинг энг яхши журналисти.

***КИНО ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ САНЪАТИ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА:***

— Йилнинг энг яхши кинорежиссёри;
— Йилнинг энг яхши теле-радиорежиссёри;
— Йилнинг энг яхши кинооператори;
— Йилнинг энг яхши телеоператори;
— Йилнинг энг яхши киноактёри;
— Йилнинг энг яхши киноактрисаси.

***ТЕАТР, МУСИҚА ВА ТАСВИРИЙ САНЪАТ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА:***

— Йилнинг энг яхши театр режиссёри;
— Йилнинг энг яхши театр актёри;
— Йилнинг энг яхши театр актрисаси;
— Йилнинг энг яхши бастакори;
— Йилнинг энг яхши хонандаси;
— Йилнинг энг яхши созандаси;
— Йилнинг энг яхши рақкосаси (рақкоси);
— Йилнинг энг яхши рассоми;
— Йилнинг энг яхши амалий санъат устаси;
— Йилнинг энг яхши дизайнери;
— Санъатга бахшида умр.

***ТАНЛОВНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ:***

Танлов ҳар йилнинг январ ойида якунланади ва ғолиблар «Наврўз» байрами арафасида тантанали равишда тақдирланадилар. Тақдирлаш маросими «Халқлар дўстлиги» саройида ўтказилади. Танловда ёзувчилар, шоирлар, қўшиқчилар, бастакорлар, мусаввирлар, журналистлар, кино ва театр актёрлари, ижодий гуруҳлар 23 йўналиш бўйича иштирок этишлари, йил мобайнида намойиш этган юксак профессионал маҳоратларининг маҳсулини танлов ҳайъатига тақдим этишлари мумкин.

Танловга ҳакамлар ҳайъати аъзосининг ижодий иши тақдим этилган тақдирда, ҳайъат фаолиятидаги иштирокини бу иш кўриб чиқилаётган даврда тўхтатиб туради.

**ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:**

***Танловга тақдим этилган ижодий ишларда қуйидаги мазмун-моҳият акс этган бўлиши лозим:***

***— Она Ватанга меҳр-муҳаббат;***
***— Мустақилликка садоқат;***
***— Халқимизнинг бунёдкорлик ишлари;***
***— Фидойилик кўрсатаётган, яратувчан ва изланувчан замондошларимиз тақдири;***
***— Миллий ва умуминсоний қадриятлар;***
***— Халқимизнинг олтин мероси ва янги замоннинг мазмун-моҳияти;***
***— Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий соҳаларидаги ислоҳотлар самараси;***
***— Адолатли жамият тамойилларини кўрсатиш;***
***— Демократик фуқаролик жамиятини барпо этиш, эркин шахс ва комил инсон тарбияси;***
***— Ватанимиз дахлсизлиги ва барқарорлигини сақлаш;***
***— фикр-мулоҳазалар ҳурлигини таъминлаш;***
***— янгича талқинлар, янгича ифода услубларини кашф этиш.***

***Ижодий ишлар қуйидаги манзилларда ҳайъат кўриги учун қабул қилинади.***

**Адабиёт, журналистика, кино ва теле-радио санъати бўйича**

**Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси.**

**Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй, почта индекси 700129**

**Театр, мусиқа ва тасвирий санъат бўйича**

**Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Тошкент шаҳри. Навоий кўчаси 30-уй, почта индекси 700129.**

**Ўзбекистон Бадиий академияси, Тошкент шаҳри, Ш. Рашидов кўчаси 40-уй, почта индекси 700029**

Ижод намуналари танловга бир нусхадан тақдим этилади.

Танлов ғолибларини тақдирлаш тантаналари «Наврўз» байрами арафасида ижодкор зиёлилар, таниқли кишилар, ишбилармонлар, жамоатчилик вакиллари иштирокида байрам-шоу тарзида ўтказилади.

***ТАНЛОВ МУАССИСЛАРИ:***

**«Офарин» жамғармаси, Маданият ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси, «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси, Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси, Халқаро «Наврўз» хайрия жамғармаси, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси каби бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари.**

***ИШТИРОКЧИЛАР ВА ҲОМИЙЛАР УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:***

**Маданият ишлари вазирлиги**
**144-63-63, 144-63-73**
**Бадиий Академия**
**56-50-47, 56-53-46, 56-56-17**
**Матбуот жамғармаси**
**144-37-87**

Охунжон ҲАКИМ

## Фақат Ватан дея

*Бир оддий ҳақиқат*
*дунёга аён,*
*Оламга бир бора*
*келади инсон.*
*Шу боис одамзод*
*жонин эъзозлар,*
*Ҳеч кимса этгиси*
*келмас тарки жон.*
*Лекин ногоҳ юрак*
*солар гулдурак,*
*Ватан деб жон*
*фидо этмоғинг керак.*

*Ватан деб оташга*
*кирган боболар,*
*Ватан деб тулпорлар*
*сурган боболар.*
*Борлиғим, бойлигим,*
*Ватаним дея*
*Минг йиллар сарбаланд*
*юрган боболар.*
*Ватансиз ҳеч*
*кимнинг толеи кулмас,*
*Ватан деб жон фидо*
*қилмасанг бўлмас.*

*Инсонни сарбаланд*
*қилган юракдир,*
*Юрак не буюрса,*
*қилмак керакдир.*
*Ҳар ким ҳар нарсага*
*жон тикмас, валек*
*Юртга фидоликни*
*билмак керакдир.*
*Ҳеч кимнинг бемаҳал*
*сўлгиси келмас,*
*Юртга-чи, жон фидо*
*қилмасанг бўлмас.*

*Ортингдан қолмаса*
*майли олтин тоғ,*
*Майлига қолмаса сендан*
*боғу роғ,*
*Гуноҳдан гуноҳдир*
*зурёдларингга*
*Армуғон бўлмаса*
*сендан шу тупроқ,*
*Гарчи, эй Охунжон,*
*жонинг сабилмас,*
*Ватан деб жон фидо*
*қилмасанг бўлмас.*

**ҲИКМАТ**

*Кичик калит катта эшикни очади*

●Хотира

# Тиббиётимиз заҳматкаши эди

Дам олиш кунларидан бирида талабалик йилларим эсга тушди-ю, институт (Ўрта Осиё Педиатрия институти)нинг илк курсларида ёзган конспектларимни варақладим. Саҳифалардан бирини ўқий бошладим: «Шифокорлик юксак шарафга лойиқ бўлган қадимий касблардан, тиббий касб кишиларини эл ҳамиша ҳурматлаб, қадрлаб келган ва ҳозир ҳам ҳалоллик, меҳнатсеварлик, олижаноблик билан хизмат қилаётган медицина ходимларини улуғлайди...»

Дафтар жилдига қарадим. Домла: институт биология кафедраси мудири, профессор А.Т.Оқилов. Бу таниш ёзувлар раҳматли Абдулла аканинг ўзи ҳақида билган, ўқиган хотираларимни ёдимга солди. Домла лекцияда айтиб ёздирган медик олимларга доир хислатлар ва фазилатларнинг ҳаммаси унинг ўзига ҳам тўла мос келади. Дарвоқе, домланинг ўзи ажойиб олим, юксак маданиятли, қалби кенг, талабаларга меҳрибон ҳамда талабчан ва диловар инсон эди.

Домла маърузаларни юксак педагогик маҳорат билан ўқир эдиларки, бутун залдагиларнинг диққати фақат домлада бўлар эди, 90 дақиқа қандай ўтганлигини билмай қолар эдик. У киши икки тилда ҳам жозибали маъруза қилар эди.

Домланинг бутун илмий иқтидори одамлардаги бўқоқ касаллиги, қон томирлари морфологияси, умуртқали ҳайвонлар қони таркибий қисмлари ва қон ишловчи аъзоларининг нормал ва ионлаштирувчи нурланишлар таъсиридаги ҳолатини ўрганишга қаратилган эди.

А.Оқилов 130 дан зиёд илмий иш яратди, шу билан бирга 5 монография, талабалар учун 2 та дарслик ёзиб қолдирди. Олимнинг республика матбуоти саҳифаларида ирсият муаммолари ва соғлом авлод муаммолари бўйича эълон қилган мақолалари кўпчиликка манзур эди. Унинг ҳаммуаллифликда ёзган «Зурриёд сирлари», «Қариндошга қиз берманг», «Оилавий ҳаётга қадам қўясиз», «Соғлом турмуш— узоқ умр гарови», «Шифокорнинг ширин сўзи» каби рисолалари, «Меҳр чашмаси», «Инсонни ардоқлаш» асарлари айниқса бугун алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Домла яратган асарлар, унинг докторлик диссертацияси кенг қамровли бўлиб, ушбу меҳнатлари учун фан ва техника соҳасидаги Беруний номли Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотига сазовор бўлдилар.

А.Оқилов тиббий генетик маслаҳат марказини ташкил этиш билан бирга аҳоли ўртасида ирсият тўғрисида билимларни оммалаштириш ишига катта ҳисса қўшди.

У «Соғлом ота-онадан соғлом авлод вужудга келади» деган ғояни умр бўйи тарғибот этиб келди. Суҳбатларида, маърузаларида, тиббиёт мавзуидаги илмий-оммабоп асарларида шу масаланинг турли қирраларини таҳлил этди. Бугун домла орзу-мақсад қилган соғлом авлод идеали — мустақил давлатимиз миқёсидаги улкан вазифага айланди. Бу муаммони шахсан Президентимизнинг ўзлари жамият олдига қўймоқда ва уни ҳал этиш йўлларини кўрсатмоқда. Атиги бир йилда бу йўналишда мамлакатда қандай улкан ишлар, дастурий тадбирлар амалга оширилди. Демак, умрини, бутун фаолиятини соғлом авлодни етиштириш ғоясига бағишлаган марҳум домланинг руҳлари ҳам шод бўлмоқда, армонлари рўёбга чиқмоқда.

**Ўктам НУРИЛЛАЕВ.**

«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ.

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34;
*Ҳуқуқ* — 136-07-94;
*Иқтисодиёт* — 136-36-65; 132-10-65
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60;
*Хатлар* — 136-29-89, 133-07-48;
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар* — 132-12-08;
*Ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик* — 133-78-92;
*Халқаро ҳаёт* — 132-11-15;
*Котибият* — 133-10-28;
*Эълонлар* — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 1015, 17797 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда оператор Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — И. ХУДОЁРОВ.
Навбатчи — Д. ТУРҒУНОВА.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

· МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00*
*топширилди — 22.00*
1 2 3 4 5 6




## «Боинг»да учган мушук



Америкадаги аэропортлардан бирида хизмат қилувчи кишининг Феникс лақабли севимли мушуги йўқолиб қолди. Орадан анча вақт ўтиб мушукнинг топилишидан умид узилганда «Боинг—747» самолётининг юкхонасини бўшатаётган ишчилар «миёв»лаган товушни эшитиб қолишди ва шу аснода тугунлар орасидан катта қора мушук кўзлари қамашиб чиқиб келди.

Феникс ҳаммаси бўлиб 290 минг километр масофани учиб ўтибди. Унинг бу пайтда нима билан овқатланганини айтиш қийин. Ҳар ҳолда авиалайнер юкхонасида сичқонлар йўқ эди.



## Қоидани бузмаслик учун

Лондондаги спорт музейида бевосита футболга таллуқли иккита олтин танга сақланади. Унинг қимматлилиги шундаки, 1863 йили Англияда футбол ўйини вақтида тўпни қўл билан ушлашни таъқиқловчи янги қоида жорий этилади. Шунда Шефилд шаҳри командаси устози ўйингоҳга тушиш олдидан ҳар бир футболчининг иккала қўлига биттадан олтин танга тутқазарди. Қўлда маҳкам қисилган тангалар тўпни ушлашга йўл қўймасдан, ўйин қоидасини бузмасликка ёрдам берарди.

## Расм-топишмоқ

*Сопол идишлар сотувчиси пештахтадаги буюмлар ичида иккита бир хил нарса йўқ дейди. Аслида ундай эмас. Расмдаги тувак ва гулдонларга синчиклаб қаранг, улар ичида бир хилини топинг.*



***Кечаги сонда берилган жумбоқнинг жавоби: аввал гугурт ёқилади.***

Очиғи, бир қарашда ўта содда туюлган бу мантиқий жумбоқ айрим газетхонларимизни чалғитибди. Акс ҳолда тошкентлик Шомаҳмуд Шоёқубов «Дастлаб қўлчироқни ёқиш керак» деб жавоб қилмаган бўларди. Тўғри жавобни эса биринчилар қатори Тошкент шаҳридан Рамзиддин Ғуломов, Маҳбуба Бегматова ва Нодирахон Абдукаримова 136-35-60 телефонига маълум қилишди.



*Катта ашула.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат-лавҳа.**

*«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 2 декабр, шанба куни чиқади.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ РАСМИЙ ТАКЛИФНОМАСИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ**

**ТЕНДЕР МУДДАТИНИНГ ЧЎЗИЛГАНЛИГИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ ВА БАРЧА ҚИЗИҚҚАН ШАХСЛАРНИ УНДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.**

***ТЕНДЕР ТУРИ***
Тендер юридик ва жисмоний шахслар учун ҳамда Ўзбекистон Республикаси норезидентлари учун очиқдир.

***ТЕНДЕР МАНБАИ***
"Самарқанд лифтсозлик заводи" очиқ турдаги акционерлик жамиятининг 23967 дона номи кўрсатилган оддий акциялар пакети, яъни корхона устав капиталининг 75 фоизи тендер манбаидир. Акциялар ягона пакет асосида савдога қўйилади. "Самарқанд лифтсозлик заводи" ОТАЖ Марказий Осиёдаги лифт ишлаб чиқаришга ихтисослашган энг катта корхона бўлиб, Самарқанд шаҳрида жойлашгандир. Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 703018, Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 207. Тел: (3662) 21-07-04, 21-03-17.

***ТЕНДЕР ПРЕДМЕТИ***
"Самарқанд лифтсозлик заводи" ОТАЖга тегишли 75 фоиз акциялар пакетининг дастлабки баҳоси **1 600 000 (бир миллион олти юз минг АҚШ доллари)** миқдорида белгиланган.

***ТЕНДЕР МУДДАТИ***
***Тендерда қатнашиш учун аризалар 2000 йилнинг 30 ноябридан 2001 йилнинг 31 январигача қабул қилинади. Тендер натижалари 2001 йилнинг 31 январидан 2001 йилнинг 10 февралигача эълон қилинади.***

***ТЕНДЕР КАФОЛАТИ***
Тендерда иштирок этиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг қуйидаги махсус валюта ҳисоб-китоб рақамига 20 000 (йигирма минг) АҚШ доллари миқдорида гаров маблағи қўйилиши керак:
Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг ҳисоб-китоб рақами:
**№ 21506840400600289002 бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг Тошкент шаҳри бўлимидадир. Банк коди 00014, SWIFT коди CBUZUZ22.**
Гаров пули тендер натижалари эълон қилингандан сўнг, ғолибдан ташқари барча тендер иштирокчиларига 7 банк иш куни мобайнида қайтариб берилади.

**Маълумот ҳамда тендер ҳужжатлари олиш учун алоқа телефонлари:**
**Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитасининг корхоналарни хусусийлаштиришдан кейинги даврда қўллаб-қувватлаш бюроси,**
**700003, Тошкент, Ўзбекистон проспекти, 55.**
**Тел: (99871) 139-22-59, 139-22-23. Факс: (99871) 139-21-42.**
**"IMC Consulting Ltd." компанияси,**
**PO BOX 18, Sutton-in-Ashfield Nottinghamshire NC 17 2NS, United Kingdom.**
**Тел: (44) 1623441444, Факс: (44) 1623440333.**

3539

**REPUBLIC OF UZBEKISTAN**
**INVITATION TO TENDER OF THE COMMITTEE ON MANAGEMENT OF THE STATE PROPERTY AND ENTREPRENEURSHIP SUPPORT OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

**THE COMMITTEE ON MANAGEMENT OF THE STATE PROPERTY AND ENTREPRENEURSHIP SUPPORT OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

**NOTIFIES OF PROLONGATION BIDDING AND INVITES ALL INTERESTED PARTIES TO SUBMIT THEIR PROPOSALS.**

**TYPE OF TENDER:** open for legal entities and individuals, non-residents of Republic of Uzbekistan.
**OBJECT OF BIDDING:** block of 23967 ordinary shares of JSC "Samarkand Elevator Construction Factory" or **75% of charter capital,** shares will be sold in one block. JSC "Samarkand Elevator Construction Factory" - the largest elevator manufacturer in Central Asia, located in Samarkand. Full address: Uzbekistan, 703018, Samarkand, Spitamena str. 270, tel.: (3662) 21-07-04, 21-03-17.
**TENDER OBJECTIVE:** initial price of block of 23967 ordinary shares of "Samarkand Elevator Construction Factory" in amount of **USD 1 600 000** (one million six hundred thousand).

***Terms of submission of bids: from November 30, 2000 to January 31, 2001***
***Deadline for final selection: February 10, 2001***

**TENDER GUARANTEE:**
For participating in the tender it is necessarytoprovide a collateral of USD 20,000 (twenty thousand) via transfer of the sum tothe Special Foreign CurrencyAccount of The Committee on Management of the State Property and Entrepreneurship Support of the Republic Of Uzbekistan:
**acc. № 21506840400600289002**
**Tashkent Department of Central bank of the Republic of Uzbekistan, Bank Code 00014**
**S.W.I.F.T. Code: CBUZUZ22,**
The collateral will be returned to all the bidders, except the winner, within 7 days after the announcement of the tender results.

**Contact telephone for inquiries and obtaining tender documentation:**
**Enterprise Institution Building Bureau of the Republic of Uzbekistan State Property Committee: Uzbekistan,**
**700003, Tashkent, Uzbekistansky pr., 55,**
**Tel.: (998 71) 139 22 59, 139 22 23. Fax: (998 71) 139 21 42**
**IMC Consulting Ltd.:**
**PO Box 18, Sutton-in-Ashfield, Nottinghampshire NG17 2NS, United Kingdom**
**Tel.: (44) 1623 441 444. Fax: (44) 1623 440 333**

3539